

МАЬНАВИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШДА РА҆КАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Джураева Раъно Баҳромбековна¹

Халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан ва техника ютуқлари асосида такомиллашган кадрларни таёrlаш тизимини яратиш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти хисобланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чукур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги Қарорида аждодларимизнинг ҳаёт йўллари, илм-фан ва жаҳон маданияти тараққиётiga қўшган ҳиссасини содда ва таъсирчан усуlda ёритиб бериш мақсадида Қуръон ва унинг тафсирлари, ҳадис тўпламлари, юртимизнинг машҳур алломалари асарларини тарихийлик, диншунослиқ, исломшунослиқ, ҳуқуқшунослиқ, тилшунослиқ нуқтаи назардан ҳар томонлама ўрганиш, замонавий усулларидан фойдаланиб ўзбек тилига таржима қилиш, ўқув жараённида информатика ва ахборот технологияларин кенг тадбиқ этиш ишлари кўзда тутилган. Аждодларимиз маънавий меъросини ўрганишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш уларни кенг оммага етказишда, таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларида қўллашда бирмунча енгиллик ва қулайликларни юзага келтиради. Шу билан бирга, кишиларимизни ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга ундейди, ёшларимизнинг бу соҳага бўлган қизиқишлиарини янада орттиради. Халқимиз неча асрлардан буён эътиқод қилиб келаётган бу муқаддас дин манбаларини ҳамда бой маънавий меросимизни ўрганиш бўйича дастурий воситалар ишлаб чиқиш ҳозирда шу йўналишда фаолият олиб бораётган Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Замонавий ахборот коммуникация технологиялари" кафедрасида "Ҳадис илмий мактаби" дастур яратилди. Устоз-шогирд тизими асосида яратилган ушбу дастур веб технологиялар асосида тузилган бўлиб дизайн жиҳатдан фойдаланувчиларни жалб қилиши, интерфейсининг қулайлиги, маълумотларни таҳлиллашга мўлжалланган бўлиб JavaScript, JQuery кутубхонаси, HTML, CSS, PHP, PhotoShop дастурий воситалардан ва AJAX технологияларидан фойдаланилган. Дастур mobil tizimlar sohasida qo'llanilayotgan ва мобил қурилмалар учун яратилган очик кодли оператион система Android тизимида яратилган.

Дастур олти менюдан иборат. Қуйидаги расмда дастур бош ойнасининг кўриниши акс этган (1-расм):

¹ Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Замонавий ахборот коммуникация технологиялари" кафедраси катта ўқитувчи Ташкент шаҳри



1-расм. Дастур бош ойнаси

Ҳар бир меню ўзига хос маълумотлар билан бойитилган. Масалан “Hadis ilmi” бўлимидаги фойдаланувчи учун керак бўлган ҳадислар тўплами билан танишиши билан мумкин (2-расм).



2-расм. “Hadis ilmi” бўлими

Ушбу яратилаётган мультимедиали веб илова дастуридан фойдаланиш натижасида:

- талабалар, тадқиқотчилар, мустақил ўрганувчилар билимларини ошириши;
- аждодларимиз маънавий меъросини ўрганишда замонавий ахборот технологияларини қўллай олиши;
- адабиётларга бўлган талаб муаммоси бирмунча ечилиши;
- вақтнинг тежалишига ва ахборот алмашишини тезлашишига эришилади.

Бу электрон мажмуя ушбу соҳа мутахассисларига асл ислом моҳиятини очиб кўрсатиш, аҳоли диний саводхонлигини ошириш ишларида мухим аҳамият касб этади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Тайлақов Н. Узлуксиз таълим учун информатикадан ўкув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий-педагогик асослари.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси,2005.
2. Рўзимуродов О. Н. Web дастурлаш фанидан маъruzalар матни. ТУИТ, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти кафедраси. Тошкент – 2011;
3. Джураева Р.Б. Исломшунослик фанларини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш // «Ёш авлод – Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширувчи асосий омил» Республика илмий-амалий анжумани. Маъruzalар тўплами. –Тошкент, ЖИДУ 2011